



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASINING
BUYRUG'I**

2017 yil "26" aprel

№ 229

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирийнинг 2017 йил 22 апрелдаги 07/1-845-сонли топшириғи ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 апрелдаги 244-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Тошкент тиббиёт академияси барча проректорлари, бўлим бошлиқлари, факультет деканлари, академик лицей директори ва ТТА ҳузуридаги марказлар раҳбарларига:

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарорининг сўзсиз ижросини таъминлаш учун қабул қилинсин.

3. Проректорлар мазкур қарорни ўзларига тегишли бўлган барча бўлимлар раҳбар ходимларига, факультет деканлари эътиборига етказилиши ташкил этилишини таъминласин;

Факультет деканлари:

1. Мазкур қарор мазмун-моҳияти барча ходимлар томонидан тўлиқ ўрганиб чиқилишини ташкил этилсин.

Ўқув ишлари проректори О. Тешаевга:

1. Бир хафталик муддатда мазкур қарор мазмун-моҳияти бўйича проректорлар, бўлим раҳбарлари, факультет деканлари ва декан ўринбосарлари иштирокида тақдимот ўтказилсин;

2. Икки хафталик муддатда академиянинг ҳар бир факультетига маънавий-маърифий ишлар, ўқув ишлар, илмий ишлар проректорлари бириктирилиб, факультетнинг бошқарув ходимлари ва профессор-

ўқитувчиларининг тўлиқ таркиби учун улар томонидан мазкур қарорнинг тақдимотлари ўтказилиши таъминлансан;

3. Уч хафталик муддатда олий таълим муассасасининг факультет декани иштирокида ҳар бир кафедра йиғилишида кафедра мудирининг тақдимоти асосида профессор-ўқитувчилар томонидан мазкур қарорни батафсил ўрганиш семинар шаклида ташкил этилсин;

4. Жорий йилнинг 10 майига қадар академия раҳбар ходимлари иштирокидаги тақдимот ва факультетлардаги тақдимотларга оид видео лавхалар вазирликнинг “Ахборот хизмати” электрон манзилига тақдим этилсин;

5. Жорий йил 30 майига қадар Академиянинг ҳар бир факультетида қарорни ўрганиш натижалари юзасидан интерактив семинар ташкил этилиб, ҳар бир факультетга ва кафедрага баҳо берилсин;

Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Т.Бобомуратовга:

1. Академияда ўтказиладиган “Ахборот соатлари”да мазкур қарор қабул қилинишидан кўзланган мақсад, унинг мазмун-моҳияти тўғрисида талабалар ўртасида кенг тушунтириш ишларини гурух мураббийлари олиб бориши ташкил этилсин, гурух мураббийлари тегишли материаллар билан таъминлансан;

2. Мазкур қарорни марказий ва худудий ОАВларда ёритиш ташкил этилсин ва ҳар ойнинг охирги санасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумот вазирликнинг “Ахборот хизмати” электрон манзилига тақдим этилсин. Мазкур жараёнга академиянинг пухта тайёрланган энг тажрибали, раҳбар ва профессор-ўқитувчилари жалб этилсин.

3. Ёритиладиган материалларнинг сифатли ва мазмунли тайёрланишига шахсан тегишли бўлим ёки факультет раҳбари масъул этиб белгилансин.

Ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи Ў.Миршараповга:

1. Бир кунлик муддатда мазкур қарорнинг ижроси таъминлаш бўйича академиянинг чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун раҳбариятга киритиш вазифаси юклатилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижроси бўйича маълумотларни ҳар ойнинг З-санасидан кечиктирмасдан вазирликнинг Назорат ва мониторинг бошқармасига тақдим этиб борилишини таъминлансан.

Мазкур буйруқ ижросини назорат килишни ўз зиммамда қолдираман.


Ректор

Л.Н. Туйчиев



КИРИТИЛДИ:

Ички назорат ва монитонринг бўлими бошлиги


 Ў.М. Миршарапов

Ўкув ишлари бўйича проректор

 О.Р. Тешаев

КЕЛИШИЛДИ:

Илмий ишлар бўйича проректор

 Ш.А. Боймуродов

Маънавий-маърифий ишлар проректори

 Т.А. Бобомуратов

Академик лицей ва коллежлар бўйича проректор

 С.Р. Баймаков

Молия иқтисодиёт ишлари бўйича
проректор

 И.Х.Магзумов

Даволаš факультети декани

 Б.Т. Холматова

Тиббий педагогика факультети декани

 А.А. Хамроев


Тиббий профилактика факультети декани

 М.У. Кульманова


Олий маълумотли ҳамшира факультети декани

 Ш.Х. Бакиева

Малака ошириш факультети декани

 А.А. Ирназаров

Хукуқшунос

 А.А.Алимов



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУГИ

2017 йил “24” апрель №д 44

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Олий таълим тизимини янада
ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”
2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон
Қарорининг ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини
янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги
ПҚ-2909-сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2017 йил
22 апрелдаги 07/1-845-сонли топшириги ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Вазир ўринбосарлари, барча бошқарма ва бўлим бошликлари,
вазирлик хузуридаги марказлар ва ташкилотлар раҳбарлари, идоравий
мансублигидан катъий назар барча олий таълим муассасалари раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини
янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги
ПҚ-2909-сон Қарорининг сўзсиз ижросини таъминлаш учун қабул қилинсин.

2. Вазир ўринбосарлари мазкур қарорни барча олий таълим
муассасалари бошқарув ва раҳбар ходимлари, профессор-ўқутувчилар
эътиборига етказилиши ташкил этилишини таъминласин.

3. Барча бошқарма ва бўлим бошликлари, вазирлик хузуридаги
марказлар ва ташкилотлар раҳбарлари мазкур қарор мазмун-моҳияти барча
ходимлар томонидан тўлиқ ўрганиб чиқилишини ташкил этсин.

4. Идоравий мансублигидан катъий назар барча олий таълим
муассасалари раҳбарларига:

4.1. Бир ҳафталик муддатда мазкур қарор мазмун-моҳияти бўйича олий
таълим муассасаси Кенгашида шахсан раҳбар томонидан такдимоти
ўтказилсин;

4.2. Икки ҳафталик муддатда олий таълим муассасасининг ҳар бир
факультетига маънавий-маърифий ишлар, ўкув ишлар, илмий ишлар
проректорлари бириктирилиб, факультетнинг бошқарув ходимлари ва

профессор-ўқитувчиларининг тўлиқ таркиби учун улар томонидан мазкур қарорнинг тақдимотлари ўтказилиши таъминлансан;

4.3. Уч хафталик муддатда олий таълим муассасасининг факультет декани иштирокида ҳар бир кафедра йигилишида кафедра мудирининг тақдимоти асосида профессор-ўқитувчилар томонидан мазкур қарорни батафсил ўрганиш семинар шаклида ташкил этилсин;

4.4. Жорий йилнинг 10 майига қадар олий таълим муассасаси Кенгаши ва факультетлардаги тақдимотларга оид видео лавҳалар вазирликнинг “Ахборот хизмати” (Ф.Бабашев)га (ax@edu.uz электрон манзилига) тақдим этилсин;

4.5. Жорий йил 30 майига қадар олий таълим муассасасида ҳар бир факультетда қарорни ўрганиш натижалари юзасидан интерактив семинар ташкил этилиб, ҳар бир факультетга ва кафедрага баҳо берилсин;

4.6. Олий таълим муассасаларида ўтказиладиган “Ахборот соатлари”да мазкур қарор кабул қилинишидан кўзланган мақсад, унинг мазмун-моҳияти тўгрисида талабалар ўртасида кенг тушунтириш ишларини гурух мураббийлари олиб бориши ташкил этилсин, гурух мураббийлари тегишли материаллар билан таъминлансан;

4.7. Мазкур қарорни марказий ва ҳудудий ОАВларда ёритиш ташкил этилсин ва ҳар ойнинг охирги санасида ёмалга оширилган ишлар тўгрисидаги маълумот “Ахборот хизмати” (Ф.Бабашев)га (ax@edu.uz электрон манзилига) тақдим этилсин. Мазкур жараёнга олий таълим муассасасининг пухта тайёрланган энг тажрибали, раҳбар ва профессор-ўқитувчилари жалб этилсин.

Ёритиладиган материалларнинг сифатли ва мазмунли тайёрланишига шахсан олий таълим муассасасининг раҳбари масъул этиб белгилансин.

5. Назорат ва мониторинг бошқармаси (Р.Аллаберганов)га бир кунлик муддатда мазкур қарорнинг ижроси бўйича вазирликнинг чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун раҳбариятга киритиш вазифаси юклатилсин.

6. Вазир ўринbosарлари, барча бошқарма ва бўлим бошликлари, вазирлик хузуридаги марказлар ва ташкилотлар раҳбарлари мазкур қарорнинг ижроси бўйича маълумотларни ҳар ойнинг 3-санасидан кечиктирмасдан Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун Назорат ва мониторинг бошқармаси (Р.Аллаберганов)га тақдим этиб борилишини таъминласинлар.

7. Назорат ва мониторинг бошқармаси (Р.Аллаберганов)га Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори ижроси бўйича ҳар ойнинг 5-санасида Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борилишини таъминласин.

8. Мазкур бўйичунинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда колдираман.



Вазир

Р.Касимов